O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
KONSTITUTSIYAVIY QONUNI

Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 4 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 8 августда маъқулланган

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-боб. Асосий қоидалар

1-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Конституциявий Қонуннинг мақсади Рақамли технологиялар халқаро марказининг (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) алоҳида ҳудуд сифатидаги мақомини ва Марказ ҳудудида амал қиладиган махсус ҳуқуқий режимни белгилашдан иборат.

Ушбу Конституциявий Қонун билан қуйидаги соҳаларда махсус ҳуқуқий режим ўрнатилади:

«Тартибга солиш кумдони» доирасида инновацияларни, хизматларни ва маҳсулотларни яратиш, синовдан ўтказиш ҳамда жорий этиш;

рақамли технологиялар соҳасига инвестицияларни жалб этишга ва мазкур соҳада экспорт фаолияти билан шуғулланишни рағбатлантиришга қаратилган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш;

фуқаролик, корпоратив ва тижорат ҳуқуқига оид муносабатлар;

фуқаролик ва иқтисодий процессуал муносабатлар;

божхона иши ва солиқ солиш;

меҳнатга оид муносабатлар;

молия ва банк фаолияти, валюта операцияларини амалга ошириш;

маълумотларни ҳимоя қилиш, шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва уларни ҳимоя қилиш;

давлат хизматларини кўрсатиш;

интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш.

2-модда. Рақамли технологиялар халқаро марказида қўлланиладиган ҳуқуқ

Марказ ҳудудида ушбу моддада белгиланган қуйидаги устуворлик тартибидаги махсус қонунчилик амал қилади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

ушбу Конституциявий Қонун;

ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқ Марказни ташкил этиш, фаоллаштириш, унинг чегараларини ўзгартириш, стратегик бошқарув, асосий мансабдор шахсларни тайинлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу Конституциявий Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларига бевосита тааллуқли бўлган бошқа масалалар юзасидан қабул қилинган фармонлари ва қарорлари;

ушбу Конституциявий Қонунга асосан ва унга мувофиқ қабул қилинган, Марказнинг ўз юрисдикциясига кирадиган масалаларни тартибга соладиган қарорлари (бундан буён матнда Марказнинг қарорлари деб юритилади);

зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Конституциявий Қонунга ва Марказнинг қарорларига зид бўлмаган тақдирда, Англия ва Уэльснинг умумий ҳуқуқи ҳамда адолат принциплари ва қоидалари;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ушбу Конституциявий Қонун ва Марказнинг қарорлари билан тартибга солинмаган ҳамда уларга зид бўлмаган қисми бўйича қўлланиладиган қонунчилик ҳужжатлари.

Марказнинг қарорларини ишлаб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш, амалга киритиш, эълон қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уларни бекор қилиш, шунингдек уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳамда тугатиш тартиби Бошқарув кенгашининг қарорлари билан белгиланади.

Марказ ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар ва қуйидаги қонунчилик ҳужжатлари қўлланилади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

ушбу Конституциявий Қонун 7-моддасининг қоидаларига мувофиқ жиноятлар тўғрисидаги ва жиноят-процессуал қонунчилик;

ушбу Конституциявий Қонун 6-моддасининг қоидаларига мувофиқ маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик;

миллий хавфсизлик, мудофаа, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш, иммиграция назорати, оила, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фавқулодда ҳолат, санитария-эпидемиологик осойишталик ҳамда фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик;

суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш билан боғлиқ қонунчилик;

Тошкент халқаро молия маркази иштирокчиларининг Марказ ҳудудидаги фаолияти ва кўрсатадиган хизматларига нисбатан «Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни ва унинг 8-моддасида кўрсатилган қўлланиладиган ҳуқуқ;

бошқа қонунчилик ҳужжатлари, агар уларнинг қўлланилиши ушбу Конституциявий Қонунда ёки Марказнинг қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар Марказнинг субъектларига нисбатан тўғридан-тўғри қўлланиладиган даражада Марказ ҳудудида қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Марказ махсус қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома коидалари қўлланилади.

Марказ ҳудудида Марказнинг ўз юрисдикцияси доирасида қабул қилган қарорлари ушбу қарорларга зид бўлган ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туради, бундан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Конституциявий Қонун ва Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар мустасно.

Марказнинг субъектларига нисбатан ушбу модда учинчи қисмининг бешинчи хатбошисида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга доир талаблардан ташқари Марказнинг қарорлари билан қўшимча ёки кенгайтирилган талаблар белгиланиши мумкин.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ушбу Конституциявий Қонун ва Марказнинг қарорлари билан унинг юрисдикциясига кирадиган масалаларга оид Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилиги ёки ҳар қандай давлат органининг ёхуд идорасининг маъмурий ҳужжатлари Марказнинг субъектларига нисбатан амал қилмайди, бундан ушбу Конституциявий Қонунда ёки Марказнинг қарорларида бевосита назарда тутилган махсус ҳоллар мустасно.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Конституциявий Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Марказнинг иштирокчилари – Марказнинг резидентлари ва инвесторлари;

Марказнинг субъектлари – Марказнинг органлари, иштирокчилари ва уларнинг ходимлари, шунингдек аккредитация қилинган ҳамкорлар;

махсус ҳуқуқий режим – махсус қонунчиликда белгиланган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг алоҳида шартларини белгилайдиган ва Марказ ҳудудида унинг субъектларига нисбатан амал қиладиган ҳуқуқий нормалар мажмуаси;

«Тартибга солиш кумдони» – Марказ ҳудудида инновацион технологияларни, маҳсулотларни ва хизматларни яратиш, синовдан ўтказиш ҳамда жорий этиш учун яратиладиган тажрибавий-ҳуқуқий муҳит.

4-модда. Марказнинг махсус ҳуқуқий режими

Ушбу Конституциявий Қонунда белгиланган махсус ҳуқуқий режим 2100 йилгача амал қилади.

Махсус ҳуқуқий режим Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланадиган фаолият турларига нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва хавфсизликка бўлган таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида Бошқарув кенгаши Марказнинг айрим субъектларига нисбатан махсус ҳуқуқий режимдан фойдаланишга доир чекловлар белгилашга ҳақли.

Марказнинг органлари ва бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатлар улар ўртасида тузиладиган шартномаларга асосланади.

Махсус ҳуқуқий режим доирасида тақдим этиладиган имкониятлар, преференциялар ва имтиёзлар кафолатланади ҳамда уларнинг ёмонлаштирадиган тарзда ўзгартирилишига ёки амал қилиш муддатидан аввал тўхтатилишига йўл қўйилмайди.

5-модда. Махсус ҳуқуқий режим амал қиладиган ҳудуд

Махсус ҳуқуқий режим Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган чегаралар доирасидаги Марказ ҳудудида амал қилади.

Марказнинг иштирокчиларида ўз лойиҳаларини Марказдан ташқарида амалга ошириш зарурияти юзага келган ҳолларда, агар мазкур лойиҳалар амалга ошириладиган ҳудуд ишлаб чиқариш ҳудуди сифатида тан олинган бўлса, ушбу ҳудудда ҳам махсус ҳуқуқий режим амал қилиши мумкин.

Марказдан ташқаридаги ҳудуднинг ишлаб чиқариш ҳудуди сифатида тан олинишига ундан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилганда йўл қўйилади:

«Тартибга солиш кумдони» доирасида фойдаланиш учун;

Марказ ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида тадқиқот марказларини, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини (дата-марказларини), ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш учун;

Марказ ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида таълим муассасаларини ташкил этиш учун;

Бошқарув кенгашининг қарори билан белгиланадиган бошқа инфратузилма объектларини ташкил этиш учун.

Муайян ҳудудни ишлаб чиқариш ҳудуди сифатида тан олиш, шу жумладан тан олиш мезонларини белгилаш ва бекор қилиш, ишлаб чиқариш ҳудуди чегараларини белгилаш ҳамда ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан амалга оширилади.

Марказнинг қарорларига асосан виртуал офислар яратишга ва Марказ иштирокчиларини масофадан туриб қатнашиш учун жалб этишга йўл қўйилади ҳамда ушбу офислар доирасида хам махсус ҳуқуқий режим амал қилади.

6-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Агар Марказнинг субъектлари томонидан Марказ ҳудудида содир этилган, валюта қимматликлари, божхона иши, солиқ солиш, рақобат тўғрисидаги қонунчиликни, шунингдек савдо ёки хизматлар кўрсатиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ маъмурий жавобгарлик белгиланган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ўз моҳиятига кўра тижорат, иқтисодий ёки фуқаролик-ҳуқуқий низони, Марказ маъмурияти талабларининг бузилишини ифодаласа, улардан келиб чиқса ёки улар билан боғлиқ деб ҳисобланса ҳамда ушбу Конституциявий Қонун ёки Марказнинг қарорлари доирасида ҳал этилиши мумкин бўлса, Марказнинг маъмурияти биринчи навбатда Марказ юрисдикцияси доирасида мавжуд бўлган иқтисодий, фуқаролик-ҳуқуқий чораларни, тартибга солиш ёки маъмурий таъсир чораларини қўллайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) рўйхати ва улар учун қўлланиладиган таъсир чоралари Бошқарув кенгашининг қарорлари билан белгиланади.

Марказ маъмурияти ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бўйича материалларни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш учун Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларига юбормайди.

Ушбу модданинг қоидалари Марказда банк ва молиявий хизматлар кўрсатадиган Тошкент халқаро молия марказининг иштирокчиларига нисбатан «Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

7-модда. Марказ ҳудудида жиноий юрисдикцияни амалга ошириш

Агар Марказнинг субъектлари томонидан Марказ ҳудудида содир этилган, валюта қимматликлари, божхона иши, солиқ солиш, ракобат қонунчиликни, шунингдек савдо ёки хизматлар кўрсатиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ жиноий жавобгарлик белгиланган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ўз моҳиятига кўра тижорат, иқтисодий ёки фуқаролик-ҳуқуқий низони, Марказ маъмурияти талабларининг бузилишини ифодаласа, улардан келиб чиқса ёки улар билан боғлиқ деб ҳисобланса ҳамда ушбу Конституциявий Қонун ёки Марказнинг қарорлари доирасида ҳал этилиши мумкин бўлса, Марказнинг маъмурияти биринчи навбатда Марказ юрисдикцияси доирасида мавжуд бўлган иқтисодий, фуқаролик-ҳуқуқий чораларни, тартибга солиш ёки маъмурий таъсир чораларини қўллайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) рўйхати ва улар учун қўлланиладиган таъсир чоралари Бошқарув кенгашининг қарорлари билан белгиланади.

Марказнинг маъмурияти ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бўйича материалларни жиноят ишини қўзғатиш, тергов ўтказиш ёки жиноий таъқибни амалга ошириш масаласини ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларига юбормайди.

Ушбу модда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жиноят ҳисобланган ва Марказ доирасида фуқаролик-ҳуқуқий чораларни, тартибга солиш ёки маъмурий таъсир чораларини қўллаш орқали етарли даражада ҳал этилиши мумкин бўлмаган ҳаракатларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари юрисдикциясини чекловчи норма сифатида талқин этилмаслиги керак. Бундай ҳолларда Марказнинг тегишли органи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ваколатли органлар билан тўлиқ ҳамкорлик қилади ҳамда тегишли масала бўйича тергов ўтказилиши ва жиноий таъқиб амалга оширилиши учун зарур кўмакни кўрсатади.

Марказнинг маъмурияти ушбу моддага мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий чораларни, тартибга солиш ва маъмурий таъсир чораларини устувор равишда қўллашни таъминлаш, шунингдек Марказ юрисдикциясига ва миллий жиноий юрисдикцияга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган масалаларни кўриб чиқишнинг келишилган тартиб-таомилларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ваколатли органлари билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузишга ҳақли.

Ушбу модданинг қоидалари Марказда банк ва молиявий хизматларни кўрсатадиган Тошкент халқаро молия марказининг иштирокчиларига нисбатан «Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

8-модда. Марказнинг номидан фойдаланиш

«Рақамли технологиялар халқаро маркази» деган ном давлат томонидан ҳимоя қилинадиган расмий ном ҳисобланади.

Марказнинг субъектлари мазкур номдан ушбу Конституциявий Қонун ва Марказнинг қарорлари билан белгиланган тартиб доирасида фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мазкур номдан нотўғри, чалкашликка олиб келадиган ёки Марказ билан боғлиқлик мавжудлиги тўғрисида янглиш тасаввур уйғотадиган тарзда фойдаланиш тақиқланади.

9-модда. Марказ фаолиятининг асосий принциплари

Марказ фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:
очиқлик ва ошкоралик;
тенг рақобат муҳитини таъминлаш;
ҳалоллик;
инновациявийлик;
мослашувчан ёндашув;
самарадорлик ва натижадорлик;
экологик хавфсизлик;
шароитларнинг ёмонлашувидан ҳимояланганлик кафолати;
мустақиллик.

10-модда. Марказнинг давлат органлари билан ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади) Марказни ривожлантиришга, Марказнинг максадларига эришилишига ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишига кўмаклашади.

Давлат органлари Марказ билан ҳамкорликни қуйидаги йўналишларда амалга оширади:

тегишли соҳаларни шакллантиришда ва тартибга солишда Марказнинг органларига услубий, ахборот жиҳатидан ва маслаҳат тарзида ёрдам кўрсатиш;

ушбу Конституциявий Қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда Марказнинг қарорлари лойиҳаларини келишиш;

Марказнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш максадида давлат органларининг ахборот тизимларини Марказнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш оркали зарур маълумотлардан электрон ҳамкорлик оркали ўзаро фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

ушбу Конституциявий Қонунда белгиланган бошқа йўналишларда.

Марказнинг фаолиятига, жумладан Марказнинг субъектларига нисбатан татбиқ этиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Бошқарув кенгаши билан мажбурий равишда келишилади.

Махсус ҳуқуқий режим амал қиладиган соҳаларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш Марказнинг мазкур соҳаларни тартибга солувчи қарорлари ҳисобга олинган ҳолда ва Марказ органларининг вакиллари иштирокида амалга оширилади. Бунда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ мазкур соҳаларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишга ваколатли бўлган давлат органлари билан келишилган ҳолда Бошқарув кенгаши томонидан белгиланади.

2-боб. Марказнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва иш юритиш тили

11-модда. Марказнинг қарорлари

Марказнинг қарорлари унинг органлари томонидан қабул қилинадиган ва Марказ ҳудудида барча учун мажбурий бўлган ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган ҳужжатлардан иборатдир.

Марказнинг қарорлари ушбу Конституциявий Қонуннинг нормаларига, Англия ва Уэльс умумий ҳуқуқининг элементларига ва (ёки) етакчи халқаро молия марказларининг стандартларига асосланади.

Марказнинг барча қарорлари Марказнинг расмий манбаларида инглиз тилида мажбурий равишда эълон қилинади. Бунда, агар Марказ қарорининг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради. Расмий эълон қилинмаган Марказ карори юридик кучга ва таъсирга эга бўлмайди ҳамда Марказнинг субъектларига нисбатан мажбурий ҳисобланмайди.

Марказнинг қарорларини ишлаб чиқиш, ваколатли органлар билан келишиш, рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш, амалга киритиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, уларни бекор қилиш ва тугатиш тартиби, Марказ қарорларининг ўзаро нисбати Бошқарув кенгаши томонидан белгиланади.

Бунда Бошқарув кенгашининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан коллегиал тарзда қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда, Бошқарув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Бошқарув кенгашининг Марказ фаолиятига оид қарорлари илғор халқаро тажриба ва стандартлар асосида Марказнинг маъмурияти томонидан ишлаб чиқилади.

Бошқарув кенгашининг қарорлари халқаро юридик ташкилотлар жалб этилган ҳолда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши мумкин.

12-модда. Марказ карорларининг турлари

Марказнинг қарорлари жумласига ушбу Конституциявий Қонун билан белгиланган ваколатлар доирасида қабул қилинадиган қуйидаги қарорлар киради:

Бошқарув кенгашининг қарорлари;

Бошқарув кенгаши белгилаган тартибда Марказнинг маъмурияти томонидан низомлар, қоидалар ва бошқа ҳужжатлар шаклида қабул қилинадиган қарорлар.

Бошқарув кенгашининг қарорлари Марказ маъмуриятининг қарорларига нисбатан юқори юридик кучга эгадир.

13-модда. Марказнинг иш юритиш тили

Марказнинг расмий иш юритиш тили инглиз тили ҳисобланади. Расмий иш юритиш заруратга қараб, давлат тилида ва бошқа тилларда амалга оширилиши мумкин.

Марказнинг маъмурияти томонидан заруратга кўра, ҳужжатларнинг давлат тилига таржима қилиниши таъминланади.

Агар тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Марказ иштирокчиларининг ёзма шаклда тузиладиган барча битимлари инглиз тилида расмийлаштирилади.

Давлат органлари билан муносабатларда, шу жумладан аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилишда, давлат хизматларидан фойдаланишда, ҳисоб-китоб, молиявий ҳисобот, статистика ва бошқа ҳисобот ҳужжатларини юритишда, шунингдек махсус ҳуқуқий режим татбиқ этилмайдиган бошқа ҳолларда иш юритиш тарафларнинг ихтиёрига кўра давлат тилида ёки бошқа тилда амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолларнинг барчасида ҳужжатнинг инглиз тилидаги матни мавжуд бўлиши шарт. Агар ҳужжатнинг асл нусхаси фақат давлат тилида ёки бошқа тилда тузилган бўлса, унга ҳужжатнинг инглиз тилидаги тегишли тартибда тасдиқланган таржимаси илова қилиниши лозим.

Ҳужжатнинг турли тиллардаги матнлари ўртасида тафовут ёки зиддиятлар мавжуд бўлган тақдирда, ҳужжатнинг инглиз тилидаги матни Марказ томонидан ўз юрисдикцияси доирасида талқин қилиш ва ҳуқуқни қўллаш мақсадлари учун мутлақ устуворликка эга деб ҳисобланади.

Махсус ҳуқуқий режим доирасида ҳужжатларнинг ушбу Конституциявий Қонун мақсадлари учун қилинган таржимасини тасдиқлаш тартиби Марказнинг қарори билан белгиланади.

II БЎЛИМ. МАРКАЗНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

3-боб. Марказнинг органлари

14-модда. Марказнинг органлари

Марказнинг органлари қуйидагилардан иборат:

Бошқарув кенгаши;

Марказнинг маъмурияти.

Марказнинг органлари ўз фаолиятини ушбу Конституциявий Қонунга ва Марказнинг қарорларига мувофиқ ўзига берилган ваколатлар доирасида, мустақил равишда амалга оширади.

1-§. Бошқарув кенгаши

15-модда. Бошқарув кенгаши

Бошқарув кенгаши Марказ фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилайдиган ва унинг юқори бошқарувини амалга оширадиган коллегиал орган ҳисобланади.

Бошқарув кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Бошқарув кенгашининг раиси ҳисобланади.

16-модда. Бошқарув кенгашининг вазифалари

Бошқарув кенгашининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Марказнинг махсус ҳуқуқий режими доирасида устувор йўналишларни ва асосий масалалар бўйича умумий қоидаларни белгилаш;

Марказнинг махсус ҳуқуқий режими қўлланилишининг асосий шартларини, шунингдек Марказ органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаш;

Марказни ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни тасдиқлаш ва уларга эришилиши устидан умумий назоратни амалга ошириш;

Марказнинг институционал ривожланишига оид масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, шу жумладан Марказ иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш ҳамда Марказнинг иштирокчилари учун ҳуқуқий барқарорлик ва аниқлик муҳитини шакллантириш;

инвесторларнинг ва инвестицияларнинг узоқ муддатли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, шунингдек хусусий мулкнинг ва инвестицияларнинг дахлсизлиги кафолатларини белгилаш.

17-модда. Бошқарув кенгашининг ваколатлари

Бошқарув кенгаши қуйидаги ваколатларга эга:

ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш;

ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш, уларга ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда иқтисодий, фукаролик-ҳуқуқий чораларни, тартибга солиш ва маъмурий таъсир чораларини қўллаш тартибини белгилаш;

Марказ органларининг тузилмасини белгилаш;

ушбу Конституциявий Қонун мақсадларига эришиш учун бошқа органларни ташкил этиш, уларнинг шакли, ваколатлари ва функцияларини белгилаш, шунингдек уларни тугатиш ҳамда қайта ташкил этиш;

Марказнинг иштирокчилари учун қўшимча имтиёзлар ва преференцияларни тақдим этиш, шунингдек махсус ҳуқуқий режим доирасида қўлланиладиган соҳаларни, уларнинг амал қилиш шартларини узайтириш ва бекор қилиш тартибини белгилаш;

давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш;

комиссияларни ва ишчи гуруҳларни ташкил этиш ҳамда тугатиш;

Марказ маъмуриятининг қарорларини бекор қилиш;

Марказ фаолиятига доир бошқа масалаларни ҳал этиш.

2-§. Марказнинг маъмурияти

18-модда. Марказнинг маъмурияти

Марказнинг маъмурияти Марказнинг фаолият юритишини таъминлайдиган ижро этувчи орган ҳисобланади.

Марказнинг маъмурияти Бошқарув кенгашининг ишчи органи вазифасини бажаради.

Марказнинг маъмурияти акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади.

19-модда. Марказ маъмуриятининг вазифалари

Марказ маъмуриятининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Марказнинг иштирокчиларига кўмаклашиш, маслаҳат тарзида ва ахборот жиҳатидан ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жумладан Марказ инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш;

Марказнинг қарорларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш, амалга оширилаётган лойиҳаларни мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

20-модда. Марказ маъмуриятининг ваколатлари

Марказнинг маъмурияти қуйидаги ваколатларга эга:

ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқ Марказнинг қарорларини қабул қилиш, шу жумладан низомларни, қоидаларни, регламентларни ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;

Марказнинг қарорлари ижро этилиши ҳамда Марказнинг қоидаларига ва стандартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Марказ иштирокчиларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини таҳлил қилиш ва текшириш;

«Тартибга солиш қумдони» доирасида ўтказиладиган синов жараёнларини мониторинг қилиш ва баҳолаш;

«Тартибга солиш қумдони» доирасида ўтказиладиган синовларни тўхтатиб туриш ёки тугатиш;

ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш, уларга ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда иқтисодий, фуқаролик-ҳуқуқий чораларни, тартибга солиш ва маъмурий таъсир чораларини қўллаш.

Марказнинг маъмурияти ушбу Конституциявий Қонунга ва Бошқарув кенгашининг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21-модда. Марказ маъмуриятининг фаолиятини молиялаштириш

Марказ маъмуриятининг фаолияти акциядор ёки акциядорлар томонидан ажратилган маблағлар, Марказнинг иштирокчилари томонидан тўланадиган йиғимлар ва тўловлар, шунингдек Марказнинг қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантириладиган ўз бюджетига эга бўлади.

4-боб. Марказнинг иштирокчилари

22-модда. Марказнинг резидентлари

Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланадиган фаолият турлари бўйича Марказ ҳудудида ўз фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар Марказнинг резидентлари деб эътироф этилади.

Марказда юридик шахслар Марказнинг қарорларида назарда тутилган шаклларда, шу жумладан қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият юритиши мумкин:

Марказнинг ҳудудида қўлланиладиган ҳуқуққа мувофиқ ташкил этилган юридик шахс шаклида;

Марказнинг юрисдикциясидан ташқарида ташкил этилган юридик шахс шаклида;

хорижий юридик шахснинг филиали ва ваколатхонаси, шунингдек Марказнинг қарорлари билан белгиланган тартибда фаолият юритишга рухсат берилган бошқа субъект сифатида.

Марказнинг резиденти мақоми юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш ва Марказнинг қарорларида белгиланган тартибда Марказнинг иштирокчилари реестрига киритиш тартиб-таомиллари амалга оширилганидан кейин берилади.

Марказнинг қарорлари билан резидентларга нисбатан қўшимча талаблар ва мезонлар, шу жумладан қуйидагилар белгиланиши мумкин:

амалга ошириладиган фаолият турлари ва шартлари;

рўйхатдан ўтказиш ва фаолият юритиш тартиби;

резидентнинг мақомини тўхтатиб туриш ёки тугатиш асослари ва тартиби.

23-модда. Марказ иштирокчиларининг реестри

Марказ иштирокчиларининг реестри Марказнинг расмий маълумотлар базаси бўлиб, у Марказнинг иштирокчилари тўғрисидаги, шу жумладан Марказнинг иштирокчиси мақомини олиш, тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Марказ иштирокчиларининг реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби, киритиладиган маълумотлар таркиби, уларни тақдим этиш, янгилаш тартиби, шунингдек мазкур реестрдан фойдаланиш тартиби Марказнинг қарорлари билан белгиланади.

5-боб. Марказ ҳудудидаги инвестиция фаолияти, инвесторларнинг тоифалари ва аккредитация қилинган ҳамкорлар

24-модда. Инвестиция фаолияти

Марказнинг ҳудудидаги инвестиция фаолияти қуйидагиларга қаратилади:

Марказнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва инвестиция киритиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга;

инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини, шу жумладан инвестицияларни ҳимоя қилиш механизмларини ишлаб чиқишга ҳамда амалга оширишга;

муқобил инвестициялар, шу жумладан венчур инвестициялар экотизимини шакллантиришга.

Инвесторларга ва инвестицияларга нисбатан хавфсиз ҳимоя принципи асосида, Марказнинг қарорларига риоя этилган ҳолда, Марказ иштирокчиларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кафолатлар мажмуаси қўлланилади.

25-модда. Марказнинг инвестиция фаолияти доирасидаги вазифалари

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш доирасида Марказ қуйидаги вазифаларни бажаради:

инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан венчур инвестицияларни ва молиялаштиришнинг бошқа муқобил шакллари жалб этилган ва қўлланилган ҳолдаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш ҳамда ушбу жараёнларни мувофиқлаштириш;

инвестиция битимларини тайёрлашда, тузишда ва кузатиб боришда, шу жумладан ҳуқуқий, молиявий ҳамда бошқа масалалар бўйича услубий ва ташкилий жиҳатдан ёрдам кўрсатишда иштирок этиш;

инвесторлар, стартаплар, венчур фондлари ва инвестиция фаолиятининг бошқа субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этиш;

ушбу Конституциявий Қонунда ва Марказнинг қарорларида назарда тутилган инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа вазифаларни бажариш.

26-модда. Инвестор тушунчаси ва инвесторларнинг тоифалари

Ушбу Конституциявий Қонун ва Марказнинг қарорлари билан белгиланган тартибда Марказ ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахс инвестор деб эътироф этилади.

Инвесторлар инвестиция фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги тоифаларга бўлинади:

институционал инвестор;

стартап-инвестор;

резидент-инвестор;

инфратузилмавий инвестор.

Инвесторларни кўрсатиб ўтилган тоифаларга киритиш мезонлари, шунингдек улар томонидан Марказ ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошириш шартлари ва тартиби Марказнинг қарорлари билан белгиланади.

27-модда. Институционал инвестор

Инвестиция фонди, венчур фонди, молия институти, шунингдек инвестиция фаолиятини амалга ошираётган бошқа инвестор Марказнинг қарорларида белгиланган тартибда институционал инвестор деб эътироф этилади.

Институционал инвесторларга нисбатан Марказнинг махсус ҳуқуқий режими, шу жумладан ушбу Конституциявий Қонунда ва Марказнинг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва бошқа қўллаб-қувватлаш чоралари тўлиқ ҳажмда қўлланилади.

Институционал инвестор мақомини бериш, тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби, бундай инвесторларга нисбатан қўйиладиган талаблар ва мезонлар, шунингдек уларга нисбатан ушбу Конституциявий Қонун билан назарда тутилган имтиёзларни, преференцияларни ҳамда қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш тартиби, шартлари ва механизмлари Марказнинг қарорлари билан белгиланади.

28-модда. Стартап-инвестор

Марказ ҳудудида амалга ошириладиган стартап-лойиҳаларга тўғридан-тўғри инвестицияларни киритувчи жисмоний ёки юридик шахс стартап-инвестор деб эътироф этилади.

Агар Марказнинг қарорларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, стартап-инвесторларни Марказ иштирокчиси сифатида алоҳида рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди.

Стартап-инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларига нисбатан ушбу Конституциявий Қонун ва Марказнинг қарорлари билан инвестиция киритиладиган объекти Марказ ҳудудида амалга ошириладиган стартап экаплигидан келиб чиққан ҳолда белгиланган махсус ҳуқуқий режим қўлланилади.

Стартап-лойиҳаларга тўғридан-тўғри инвестиция киритиш тартиби, шу жумладан бундай инвестицияларнинг турлари, шакллари, шартлари ва уларга нисбатан қўйиладиган талаблар ушбу Конституциявий Қонун ва Марказнинг тегишли қарорлари билан белгиланади.

Стартап-инвесторлар томонидан Марказ ҳудудидаги стартап-лойиҳаларга киритиладиган инвестициялардан олинган даромадларга, шу жумладан дивидендлар тарзида олинган даромадларга нисбатан ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланилади.

29-модда. Резидент-инвестор

Марказнинг резиденти ўз асосий фаолиятини олиб бориш билан бир қаторда, Марказ ҳудудида амалга ошириладиган стартап-лойиҳаларга инвестициялар киритиш ҳуқуқига эга бўлиб, бундай ҳуқуқни амалга оширган Марказ резиденти резидент-инвестор деб эътироф этилади.

Резидент-инвесторнинг инвестиция фаолиятига нисбатан Марказнинг махсус ҳуқуқий режими, шу жумладан ушбу Конституциявий Қонунда ва Марказнинг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва бошқа қўллаб-қувватлаш чоралари тўлиқ ҳажмда қўлланилади.

Марказнинг қарорлари билан резидент-инвесторга нисбатан қўшимча талаблар ва мезонлар, шу жумладан резидент-инвестор томонидан инвестиция фаолиятини амалга ошириш тартиби, шартлари ва бундай фаолиятни амалга оширишга доир чекловлар белгиланиши мумкин.

30-модда. Инфратузилмавий инвестор

Марказнинг ҳудудини ривожлантириш мақсадида инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш учун қурилиш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш ишларига, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик марказларини, офисларни ва ишлаб чиқариш биноларини, инфратузилма объектларини барпо этишга инвестиция киритувчи жисмоний ва (ёки) юридик шахс инфратузилмавий инвестор деб эътироф этилади.

Инфратузилмавий инвесторларга нисбатан Марказнинг махсус ҳуқуқий режими татбиқ этилмайди, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Инфратузилмавий инвесторлар фойдаланишга топширилган инфратузилмавий лойиҳа объектларини реализация қилишдан ва ижарага беришдан олинадиган даромад бўйича барча солиқлардан озод этилади.

Инфратузилмавий лойиҳаларнинг рўйхати ҳамда инфратузилмавий инвестор томонидан солиқ имтиёзларидан фойдаланиш шартлари Марказнинг қарорлари билан белгиланади.

31-модда. Марказ субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари

Марказнинг субъектлари ушбу Конституциявий Қонунда ва Марказнинг қарорларида белгиланган тартибда инвестиция фаолиятини эркин амалга оширишга, инвестицияларнинг ҳажми, турлари, шакллари, инвестициялар киритиладиган соҳалар ва йўналишларни мустақил равишда белгилашга, шунингдек инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадларни эркин тасарруф этишга ҳақли.

Марказ органларининг, иштирокчиларининг ва уларнинг ходимлари Марказ ҳудудида жойлашган ёки ушбу Конституциявий Қонунга ва Марказнинг қарорларига мувофиқ шакллантирилган маблағларини, активларини, инвестицияларини, мол-мулкини ва мулкий ҳуқуқларини мусодара қилишга, национализация қилишга, экспроприация қилишга, секвестрлаштиришга, музлатишга ёки уларга эгалик қилишни ёхуд уларни эркин тасарруф этишни ҳар қандай тарзда чеклашга йўл қўйилмайди, бундан Тошкент халқаро тижорат судининг ушбу Конституциявий Қонунга ва Марказнинг қарорларига мувофиқ чиқарилган якуний ва мажбурий кучга эга бўлган ҳал қилув қарорлари ёки ажримлари, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий киргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш, санкциялар, жиноий даромадлар ёки тўловга кобилиятсизлик масалаларига оид конунчиликка ёхуд Марказнинг қарорларига мувофиқ қўлланиладиган чекловлар мустасно.

Ушбу моддага мувофиқ қўлланиладиган ҳар қандай чора қонуний, мутаносиб ва тегишли процессуал кафолатларга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши керак ҳамда ушбу Конституциявий Қонунга ва Марказнинг қарорларига мувофиқ суд тартибида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Ушбу моддада белгиланган ҳимоя чоралари Марказ ҳудудидан ташқаридаги Ўзбекистон Республикаси давлат органининг ёки ташкилотининг ҳеч бир ҳужжати билан камайтирилиши ёки чекланиши мумкин эмас. Бундай камайтиришни ёки чеклашни назарда тутувчи ҳар қандай ҳужжат шундай камайтиришга ёки чеклашга оид қисми бўйича Марказ ҳудудида юридик кучга эга бўлмайди ва қўлланилмайди.

32-модда. Марказ субъектлари қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

Марказнинг қарорларига мувофиқ ва ушбу қарорларда белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда Марказ субъектларининг ўз фаолияти доирасидаги қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланади.

Марказ субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

ҳаракат содир этилган пайтда қонунчилик ёки тартибга солиш амалиёти ўзгариши муносабати билан амалда бўлмаган талаблар асосида жавобгарлик қўлланилмаслигини;

давлат органлари томонидан фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш, тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш каби таъсир чоралари фақат Марказнинг қарорларида назарда тутилган асослар бўйича қўлланилишини;

Марказнинг иштирокчисига нисбатан ўтказиладиган текширувлар ва назорат тадбирлари хавфларни бошқариш принципи асосида ва Марказнинг органлари иштирокида амалга оширилишини.

Марказ иштирокчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш содир этилган ҳуқуқбузарликлар, фирибгарлик, коррупция ҳолатлари ҳамда инсоннинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига зарар етказиш ҳоллари билан боғлиқ бўлган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Марказнинг қарорларида Марказ субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмлари, шу жумладан тартиб-таомиллари, уларни мониторинг қилиш ва баҳолаш мезонлари белгиланади.

33-модда. Аккредитация қилинган ҳамкорлар

Марказ ҳудудида Марказнинг субъектларига маслаҳат, консалтинг хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатадиган, Марказнинг қарорларида белгиланган тартиб-таомиллардан ўтган юридик ёки жисмоний шахс аккредитация қилинган ҳамкор деб эътироф этилади.

Аккредитация қилинган ҳамкорларга Марказ ҳудудида фаолиятни амалга ошириш учун рухсат бериш, уларга нисбатан қўйиладиган талаблар, шунингдек аккредитациядан ўтган ҳамкорнинг мақомини тугатиш тартиби Марказнинг қарорлари билан белгиланади.

Аккредитация қилинган ҳамкорлар ушбу Конституциявий Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек Марказнинг қарорларида белгиланган талаблар ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Марказнинг махсус солиқ ва божхона режими, шунингдек ушбу Конституциявий Қонунда ҳамда Марказнинг қарорларида назарда тутилган бошқа имтиёзлар ва преференциялар аккредитация қилинган ҳамкорларга нисбатан татбиқ этилмайди.

6-боб. Марказ органларининг ва иштирокчиларининг ходимлари

34-модда. Марказ органларининг ва иштирокчиларининг ходимлари

Марказнинг органларида ёки иштирокчиларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар қуйидаги ҳолларда Марказ органларининг ва иштирокчиларининг ходимлари (бундан буён матндан ходимлар деб юритилади) деб эътироф этилади:

меҳнат шартномаси (контракт) асосида;

ушбу Конституциявий Қонунда ва Марказнинг қарорларида белгиланган тартибда лавозимга сайланганда ёки тайинланганда.

Марказ органларининг ва иштирокчиларининг ходимлари Ўзбекистон Республикаси фуқароси, хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиши мумкин.

Марказнинг органлари ва иштирокчилари ўз ходимларига меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқукларига ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳамда уларнинг ҳимоя килиниши чораларини кўради.

35-модда. Чет эллик ходимларни жалб этиш

Марказнинг органлари ва иштирокчилари ўз фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг конунчилигида ва Марказнинг карорларида белгиланган тартибда чет эл фукароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни (бундан буён матнда чет эллик ходимлар деб юритилади) жалб этиш ҳуқукига эга.

Чет эллик ходимлар ўз касбий фаолиятини юритиш учун ушбу Конституциявий Қонунда ва Марказнинг карорларида назарда тутилган меҳнатга оид ҳуқукларнинг ва конуний манфаатларнинг ҳимоя килиниши кафолатлари билан таъминланади ҳамда бунинг учун шарт-шароитлар яратилади.

36-модда. Чет эллик ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва унда бўлиши

Марказда фаолиятни амалга ошириш максадида Ўзбекистон Республикасига келадиган чет эллик ходимларнинг кириш визаси:

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари оркали;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро аэропортларида – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли бўлинмалар оркали;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ички ишлар органлари орқали расмийлаштирилади.

Чет эллик ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига кириш визалари уч йилгача бўлган муддатга берилади.

Чет эллик ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига визалар бериш, визаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, қисқартириш ва бекор қилиш Марказ маъмуриятининг тақдимномасига (илтимосномасига) асосан, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларининг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда чет эллик ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига берилган визаларнинг амал қилиш муддати Марказ маъмуриятининг тақдимномасига (илтимосномасига) асосан улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқмасдан туриб, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда узайтирилиши мумкин.

37-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома

Марказнинг органлари ва иштирокчилари томонидан ишга қабул қилинадиган чет эллик ходимлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома олиш мажбуриятидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида умумий тартибда белгиланган чекловлар ва квоталар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган чет эллик ходимларга нисбатан қўлланилмайди.

Ушбу моддада назарда тутилган имтиёзларни қўллаш мақсадида, чет эллик ходимларни жалб этиш ва уларнинг мақомини тасдиқлаш тартиби Марказнинг қарорлари билан белгиланади.

38-модда. Чет эллик ходимларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини юритиш

Чет эллик ходимларни ишга жойлаштириш, шу жумладан рўйхатга олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш Марказнинг рақамли платформаси орқали амалга оширилади.

Марказнинг қарорларида чет эллик ходимларга нисбатан қўшимча талаблар ва мезонлар, шунингдек уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби, чет эллик ходимлар томонидан фаолиятни амалга ошириш ва бундай фаолиятни тугатиш тартиби белгиланади.

III БЎЛИМ. МАХСУС ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМ

7-боб. «Тартибга солиш қумдони»

39-модда. «Тартибга солиш қумдони»

«Тартибга солиш қумдони»ни жорий этиш, ундан фойдаланиш, унинг амал килиш соҳалари, ундаги лойиҳалар ва «Тартибга солиш қумдони» иштирокчиларини танлаб олиш мезонлари, вақтинча енгиллаштириш ёки соддалаштириш шартлари, мониторинг қилиш ва самарадорликни баҳолаш, «Тартибга солиш қумдони» доирасида ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган талаблар қўлланилишининг алоҳида (синов) тартиблари, шунингдек иштирокчиларнинг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарлиги ушбу Конституциявий Қонунга мувофик Бошқарув кенгаши томонидан белгиланади.

«Тартибга солиш қумдони» Марказнинг маъмурияти томонидан, агар Бошкарув кенгашининг қарори билан бошка муддат белгиланмаган бўлса, ўн икки ойдан кўп бўлмаган муддатга жорий этилади.

«Тартибга солиш қумдони» доирасида инновацион технологияларни, маҳсулотларни ва хизматларни синовдан ўтказиш учун Бошкарув кенгашининг қарорига кўра махсус регулятор майдончалар (зоналар, лабораториялар) ташкил этилиши мумкин.

40-модда. «Тартибга солиш қумдони» доирасидаги преференциялар

«Тартибга солиш қумдони» доирасида қуйидаги преференциялар назарда тутилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида ёки Марказнинг қарорларида белгиланган айрим талаблардан вақтинча озод этиш;

лицензиялашдан ва рухсат бериш тартиб-таомиллари ўтказилишдан Марказнинг қарорларида белгиланган тартибда вақтинча озод этиш;

Марказнинг инфратузилмасидан, шу жумладан тадқиқот лабораторияларидан ва эксперт маслаҳатларидан фойдаланиш имкониятини бериш;

чекланган (назорат қилинадиган) бозор доирасидаги реал шароитларда истеъмолчилар ва ҳамкорлар билан муносабатларга киришиш имкониятини яратиш.

Марказнинг қарорларида «Тартибга солиш қумдони» доирасида тақдим этиладиган бошка преференциялар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Жисмоний ва (ёки) юридик шахслар синовдан ўтказиладиган инновацион технологиядан, маҳсулотдан ёки хизматдан шартнома асосида фойдаланиши мумкин.

«Тартибга солиш қумдони» доирасида синовдан ўтказиш даврида мазкур инновацион технологиялардан, маҳсулотлардан ёки хизматлардан фойдаланганлик иштирокчиларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди, бундан инсоннинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига зарар етказганлик учун жавобгарлик мустасно.

41-модда. «Тартибга солиш қумдони» доирасида синовдан ўтказиш учун қўйиладиган минимал талаблар

Инновацион технологиялар, маҳсулотлар ва хизматлар «Тартибга солиш қумдони» доирасида қуйидаги минимал талабларни ўз ичига олган режа асосида синовдан ўтказилади:

синовдан ўтказишни бошлаш ва якунлаш муддатини белгилаш;

фойдаланувчилар доирасини ва синов ўтказиш ҳудудини аниқлаш;

«Тартибга солиш қумдони» иштирокчиларининг молиявий ва бошка мажбуриятларига доир лимитларни (чекланган қийматларни) белгилаш;

истеъмолчиларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиш, шу жумладан эҳтимолий хавф-хатарлар ва фойдаланиш шартлари ҳакида хабардор қилиш чораларини кўриш;

хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларни камайтириш, шунингдек юзага келган оқибатларни бартараф этиш чораларини кўриш;

Марказнинг карорларида белгиланган тартибда ва муддатларда синовдан ўтказиш жараёни ҳамда натижалари тўғрисида мунтазам равишда Марказ маъмуриятига ҳисобот тақдим этиш.

Марказнинг карорларида синовдан ўтказиш режасига оид қўшимча талаблар, шу жумладан ҳисоботлар шакли, самарадорлик кўрсаткичлари ва синовдан ўтказишни якунлаш (тугатиш) мезонлари белгиланиши мумкин.

42-модда. «Тартибга солиш қумдони» доирасида синовдан ўтказишни якунлаш

«Тартибга солиш қумдони» доирасида синовдан ўтказиш якунланганидан кейин иштирокчилар томонидан Марказнинг қарорларида белгиланган тартибда ва муддатларда Марказ маъмуриятига якуний ҳисобот тақдим этиши шарт.

Синовдан ўтказиш тўғрисидаги якуний ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

синовдан ўтказилган инновацион технологияларнинг, маҳсулотларнинг ва хизматларнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги таҳлилини;

аникланган хавф-хатарларни баҳолаш натижаларини, кўрилган чоралар тавсифини ва келгусида хавф-хатарларни камайтириш бўйича таклифларни.

Синовдан ўтказишга доир талабларни бажармаган иштирокчилар Марказ ҳудудида инновацион технологиялардан, маҳсулотлардан ва хизматлардан фойдаланишни Марказнинг қарорлари билан белгиланган тартибда тўхтатиб туриши шарт.

Якуний ҳисоботни кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби, шу жумладан синовдан ўтказиш натижаларидан келгусида фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилиш мезонлари Бошқарув кенгашининг қарорлари билан белгиланади.

43-модда. «Тартибга солиш қумдони» натижалари бўйича кейинги ҳуқуқий режим

«Тартибга солиш қумдони» доирасида синовдан ўтказиш натижаларига кўра ижобий баҳоланган лойиҳалар бўйича қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

Бошқарув кенгашининг қарори асосида лойиҳани Марказ ҳудудида махсус ҳуқуқий режим доирасида амалга киритиш ва (ёки) лойиҳани белгиланган чекловлар ҳамда шартлар асосида давом эттириш ва (ёки) унинг кўламини босқичма-босқич кенгайтириш;

«Тартибга солиш қумдони» доирасида синовдан ўтказиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳани Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки алоҳида ҳудудларида амалга киритиш бўйича ваколатли органларга таклифлар киритиш.

8-боб. Солиқ солиш

44-модда. Солиқ солишнинг алоҳида тартиби

Марказ ҳудудида ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқ Марказнинг қарорлари билан тартибга солинадиган солиқ солишнинг алоҳида тартиби амал қилади.

Марказнинг органлари, иштирокчилари, шунингдек уларнинг ходимлари махсус ҳуқуқий режим доирасида олган даромадлари бўйича ушбу Конституциявий Қонуннинг 46-моддасида белгиланганидан ташқари Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигида белгиланган барча солиқлар ва йиғимлардан озод этилади.

Ушбу бобнинг қоидалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил қилинган ахборот технологияларининг технологик парклари резидентларига, махсус режим доирасида солиқ имтиёзларидан фойдаланган солиқ тўловчиларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Марказ ҳудудидан ташқарида юзага келган, солиқ солиш объекти ҳисобланган мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижаси ёки қиймат, миқдорий ёки физик хусусиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда уларга солиқ солиниши Марказнинг иштирокчисида Марказнинг қарорларига мувофиқ солиқ мажбуриятини юзага келтиради.

Марказ иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида, шу жумладан Марказ ҳудудида олинган даромадлари ҳисоби солиқ солиш мақсадида уларнинг олиш манбаига қараб, алоҳида-алоҳида юритилади.

45-модда. Марказнинг иштирокчиси мақомига эга бўлмаган инвесторларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Инвестор ҳисобланган жисмоний шахслар Марказнинг махсус ҳуқуқий режими доирасида амалга оширилган инвестиция фаолияти натижасида олинган дивидендлар ва бошқа даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан озод этилади.

Инвестор ҳисобланган юридик шахслар Марказнинг махсус ҳуқуқий режими доирасида амалга оширилган инвестиция фаолияти натижасида олинган дивидендлар ва бошқа даромадлар бўйича фойда солиғини тўлашдан озод этилади.

46-модда. Солиқ турлари

Марказ ҳудудида Марказнинг органларига, иштирокчиларига ва уларнинг ходимларига нисбатан қуйидаги соликлар белгиланади:

қўшилган қиймат солиғи;

фойда солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган солиқлар бўйича солиқ элементлари Марказнинг қарорлари билан тартибга солинади.

47-модда. Қўшилган қиймат солиғи

Марказнинг органлари ва иштирокчилари қўшилган қиймат солиғининг солиқ тўловчилари деб эътироф этилади ҳамда уларга солиқ органларида қўшилган қиймат солиғини тўловчи сифатида махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйилганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Реализация қилиш жойи Марказ ҳудуди ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўлган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма ҳамда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган товарлар қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солиш объектлари ҳисобланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солиш объектларига нисбатан солиқ ставкаси қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Марказ ҳудудида ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарига товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмага ноль даражали ставка;

реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмага ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришга нисбатан Марказнинг қарорига мувофиқ белгиланган ставка.

48-модда. Фойда солиғи

Марказ иштирокчиларининг Марказ ҳудудида устувор фаолият йўналишлари доирасида олинган даромадлари фойда солиғидан озод этилади.

Марказ иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига бундай иштирокчиларга нисбатан Марказнинг солиқ солишнинг алоҳида тартиби қўлланилишидан қатъи назар, Марказ қарорига мувофиқ фойда солиғи солинади.

49-модда. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

Марказ органларининг ёки иштирокчиларининг юқори малакали ходимлари деб ҳисобланган чет эл фуқаролари (Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари) Марказ томонидан тўланадиган иш ҳақи ва дивидендлар тарзидаги даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан озод этилади.

Юқори малакали ходимлари талаблар ва мезонларга жавоб бермайдиган Марказ органларининг ёки иштирокчиларининг ходимлари ҳисобланган чет эл фуқароларининг (Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг) Марказ томонидан тўланадиган иш ҳақи тарзидаги даромадларига 12 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

Юқори малакали ходимларга нисбатан қўйиладиган талаблар ва мезонлар Бошқарув кенгашининг қарорлари билан белгиланади.

Марказ иштирокчиларининг ходимлари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Марказ томонидан тўланадиган иш ҳақига 7,5 фоизли солиқ ставкаси бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солиш мақсадида Марказ органларининг ёки иштирокчиларининг ходимлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг жами даромади таркибига киритиладиган (киритилмайдиган) даромадларнинг турлари Бошқарув кенгаши томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солишнинг ўзига хос хусусиятлари Марказнинг қарорлари билан тартибга солинади.

50-модда. Солиқ маъмуриятчилиги

Марказ ҳудудида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш, солиқларни тўлаш, солиқ назоратини амалга ошириш ва ҳисоботларни тақдим этиш тартиби Бошқарув кенгашининг қарорлари билан белгиланади. Бунда мазкур қарорлар Марказ маъмуриятининг ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг қўшма таклифлари асосида ишлаб чиқилади.

Марказнинг субъектларини солиқ органларида ҳисобга қўйиш ва уларга хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг Марказ ҳудудида хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган солиқ инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Марказ субъектлари учун солиқ агенти вазифасини бажарувчи ва солиқ органларида уларининг манфаатларини ифода этувчи орган Бошқарув кенгаши томонидан белгиланади.

Марказ органларининг Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси билан ҳамкорлиги идоралараро электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви орқали амалга оширилади.

51-модда. Қоидабузарликлар учун жавобгарлик

Марказ субъектлари томонидан алоҳида солиқ режими шартлари бузилган тақдирда, Марказ ҳудудида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг ихтисослаштирилган солиқ инспекцияси Марказнинг маъмурияти билан биргаликда бундай ҳуқуқбузарликлар мониторингини амалга оширади ва ҳуқуқбузарларга нисбатан ушбу Конституциявий Қонуннинг 16-бобида назарда тутилган жавобгарлик чораларини қўллашга ҳақли.

9-боб. Божхона иши

52-модда. Божхона ишининг алоҳида тартиби

Марказ ҳудудида ушбу Конституциявий Қонун ва Марказнинг қарорлари билан тартибга солинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш бўйича соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларини назарда тутадиган божхона ишининг алоҳида тартиби амал қилади.

Божхона ишининг алоҳида тартибини белгиловчи Марказнинг қарорлари Марказ маъмуриятининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг қўшма таклифлари асосида ишлаб чиқилади.

Марказ органларининг Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси билан ҳамкорлиги идоралараро электрон ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашинуви орқали амалга оширилади.

53-модда. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар

Марказнинг органлари ва иштирокчилари қуйидаги мақсадлар учун асбоб-ускуналарни ва уларнинг таркибий қисмларини, дастурий таъминотни, материалларни, намуналарни олиб киришда қўшилган қиймат солиғини, божхона божини тўлашдан озод этилади:

рақамли технологиялар маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш зарурати учун;

«Тартибга солиш қумдони» доирасида фойдаланиш учун;

Марказ органларининг фаолиятини таъминлаш учун.

Инвесторлар инвестиция сифатида олиб кирилаётган асбоб-ускуналар ва уларнинг таркибий қисмлари, дастурий таъминот, материаллар, намуналар учун қўшилган қиймат солиғини ҳамда божхона божини тўлашдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб киришда божхона божлари тўланилишидан озод этиладиган товарларнинг рўйхати Бошқарув кенгаши томонидан тасдикланади.

Марказнинг субъектлари томонидан товарлар ва хизматларни Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан олиб чиқишда божхона божлари солинмайди.

Божхона йиғимлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўланади.

54-модда. Товарларни вақтинча олиб кириш

Марказнинг органлари ва иштирокчилари товарларни вақтинча олиб киришда божхона тўловларини тўлашдан озод этилади, бундан божхона йиғимлари мустасно.

Товарларни вақтинча олиб кириш муддатлари қуйидагича белгиланади:

«Тартибга солиш қумдони» доирасида олиб кириладиган товарларга нисбатан – ўн икки ойдан кўп бўлмаган муддат;

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция лойиҳалари доирасида олиб кириладиган товарларга нисбатан – инвестиция даври муддати;

бошқа ҳолларда – беш йилдан кўп бўлмаган муддат.

Товарларни вақтинча олиб кириш муддати товар вақтинчалик олиб кириш божхона режимига жойлаштирилган санадан эътиборан ҳисобланади.

Товарларни вақтинча олиб кириш муддати тугаганидан кейин улар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши ёки эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилиши лозим.

Товарларни вақтинча олиб киришни расмийлаштириш тартиби Марказнинг қарорлари билан белгиланади.

55-модда. Соддалаштирилган божхона расмийлаштируви тартиб-таомиллари

Соддалаштирилган божхона расмийлаштируви тартиб-таомилларида қуйидагилар назарда тутилади:

декларациялар Марказнинг рақамли платформаси орқали электрон шаклда топширилишини;

декларацияларнинг божхона органлари томонидан икки иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқилишини.

Марказнинг қарорларида «Тартибга солиш қумдони» доирасида олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган товарлар учун янада соддалаштирилган божхона расмийлаштируви тартиб-таомиллари белгиланиши мумкин.

56-модда. Божхона назоратининг ўзига хос хусусиятлари

Марказ ҳудудида божхона назорати хавфларни бошқариш тизими асосида Марказнинг маъмурияти ва божхона органлари томонидан амалга оширилади.

57-модда. Қоидабузарликлар учун жавобгарлик

Марказнинг иштирокчилари томонидан махсус божхона режими бузилган тақдирда, Марказнинг маъмурияти уларга нисбатан ушбу Конституциявий Қонуннинг 16-бобида белгиланган жавобгарлик чораларини қўллашга ҳакли.

58-модда. Божхона иши соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Марказнинг органлари Марказнинг иштирокчиларига халқаро шериклар билан божхона масалаларини ҳал этишда кўмаклашади.

Трансчегаравий савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида Марказ Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасини хабардор қилган ҳолда, бошқа давлатларнинг божхона органлари билан келишувлар тузиши мумкин.

59-модда. Экологик хавфсизлик

Марказ ҳудудидаги ва унинг ишлаб чиқариш зоналаридаги фуқароларнинг соғлиғини сақлашга, атроф-муҳитни, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишга, шунингдек хавфсиз трансчегаравий савдони таъминлашга қаратилган санитария-эпидемиологик, ветеринарияга,

фитосанитарияга, карантинга, табиатни муҳофаза қилишга, маҳсулотларнинг умумий хавфсизлигини таъминлашга, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига оид чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг санитария-эпидемиологик осойишталик, ўсимликлар карантини ва экология ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, фитосанитария ва ветеринария соҳаларидаги ваколатли давлат органлари ҳамда ташкилотлари Марказ ҳудудида ўз ваколатларини ва вазифаларини фақат Марказнинг маъмурияти билан келишилган ҳолда амалга оширади.

10-боб. Молия ва банк фаолияти

60-модда. Марказ ҳудудида молиявий хизматларни ва банк хизматларини кўрсатиш

Аккредитация қилинган ҳамкорлар томонидан Марказ ҳудудида Марказнинг иштирокчилари учун қуйидаги молиявий хизматлар ва банк хизматлари кўрсатилади:

банк хизматлари (шу жумладан депозитларни жалб этиш, кредит бериш, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар);

инвестиция фаолияти, шу жумладан венчур инвестициялаш ва консалтинг;

қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматлари;

суғурта ва қайта суғурта хизматлари;

молиявий технологияларга асосланган хизматлар, шу жумладан тўлов хизматлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа банк хизматлари ва молиявий хизматлар.

Зарур ҳолларда, Марказ халқаро молиявий битимларни ва (ёки) инвестиция битимларини тайёрлашда, тузишда ва юридик жиҳатдан таъминлашда Марказ иштирокчиларига кўмаклашади.

Марказнинг субъектларига банк хизматларини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки билан келишилган ҳолда Марказ ҳудудида хорижий банкларнинг филиалларини очишга йўл қўйилади.

61-модда. Валютани, молия ва банк фаолиятини тартибга солиш

Марказ ҳудудида молия ва банк фаолияти, шунингдек валюта операцияларини амалга оширишга доир муносабатлар ушбу Конституциявий Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Тошкент халқаро молия марказининг иштирокчилари Марказнинг резидентларига банк хизматлари ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиши мумкин. Бундай ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солиш «Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат харидларига оид қонунчилик ҳужжатларининг амал қилиши Марказ ҳудудида махсус ҳуқуқий режим доирасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Марказ органлари ва иштирокчиларининг харид қилиш фаолиятини амалга ошириши тартиби Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Марказнинг қарорлари билан белгиланади.

11-боб. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва уларни ҳимоя қилиш

62-модда. Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг ва уларни ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Марказ ҳудудида шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг ва уларни ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ҳамда Марказнинг қарорлари билан тартибга солинадиган махсус қоидалари белгиланади.

Марказнинг субъектлари шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган, халқаро стандартларда ва Марказнинг қарорларида белгиланган талабларга мувофиқ келадиган ўз ички ҳужжатларини тасдиқлаши ҳамда уларга амал қилиши шарт.

63-модда. Булутли технологиялар

Махсус ҳуқуқий режим доирасида булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда маълумотларни сақлашга ва уларга ишлов беришга йўл қўйилади.

Булутли технологиялардан фойдаланишда маълумотларнинг хавфсизлиги, яхлитлиги, муҳофазаси, ишончлилиги, шунингдек маълумотларни қайта ишлаш, улардан фойдаланиш имконияти таъминланиши керак.

Маълумотларни булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда сақлашда ва қайта ишлашда халқаро стандартларга ҳамда хавфсизлик талабларига риоя этилади.

12-боб. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш

64-модда. Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Марказ ҳудудида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши кафолатланади.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ушбу соҳадаги умумэътироф этилган (халқаро) нормаларда, Марказнинг қарорларида ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар бажарилишини таъминлаш орқали амалга оширилади.

Марказнинг қарорларида интеллектуал фаолият натижаларини яратишни, ҳимоя қилишни ҳамда тижоратлаштиришни рағбатлантирувчи қўшимча механизмлар ва тартиб-таомиллар белгиланади.

Марказнинг қарорлари билан хизмат асарларига бўлган ҳуқуқларни тақсимлаш бўйича талаблар белгиланиши мумкин.

65-модда. Интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар ушбу соҳадаги ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўра рўйхатдан ўтказилади.

Марказ ҳудудида Марказ иштирокчиларининг интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказиш мақсадида, шу жумладан аризаларни (талабномаларни) Марказ ҳудудида фаолият юритаётган рақамли ва бошқа хизматлардан фойдаланган ҳолда топшириш учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

13-боб. Давлат хизматларини ва бошқа хизматларни кўрсатиш

66-модда. Марказ ҳудудида кўрсатиладиган хизматлар

Марказ ҳудудида қуйидаги хизматлар кўрсатилади:
давлат органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари;
Марказнинг органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар;
ёрдамчи хизматлар.

67-модда. Давлат органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари

Давлат хизматларини кўрсатишнинг қулайлиги ва тезкорлигини таъминлаш мақсадида Марказ ҳудудида давлат хизматлари марказларининг филиали очилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилган ҳолда Марказ давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ўз офисини ва рақамли платформасини ташкил этиши мумкин.

Марказ ҳудудида давлат хизматларини кўрсатиш тартиби тегишли соҳадаги ваколатли давлат органи ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Бунда давлат органлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилиши билан боғлиқ муносабатларга нисбатан махсус ҳуқуқий режим ушбу Конституциявий Қонуннинг 2-моддасида белгиланган истисnolар инобатга олинган ҳолда татбиқ этилади.

Давлат хизматлари, агар мазкур Қонунда ва Марказнинг қарорларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ кўрсатилади.

68-модда. Марказнинг органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар

Марказнинг органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

жисмоний ва юридик шахсларни ҳисобга қўйиш, рўйхатдан ва аккредитациядан ўтказиш;

махсус ҳуқуқий режим татбиқ этиладиган соҳалар доирасида лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш;

товарлар ва хизматларни сертификатлаштириш;

консалтинг хизматлари ва ахборотга оид хизматлар;

ушбу Конституциявий Қонунда ва Марказнинг қарорларида назарда тутилган бошқа хизматлар.

Марказнинг органлари хизматларни Марказнинг қарорларига мувофиқ ҳақ эвазига ёки текинга кўрсатишга ҳақли.

69-модда. Ёрдамчи хизматлар

Марказ ҳудудида аккредитация қилинган ҳамкорлар томонидан Марказнинг субъектлари фаолиятини таъминлашга ва унинг инфратузилмасини қўллаб-қувватлашга қаратилган қуйидаги ёрдамчи хизматлар кўрсатилиши мумкин:

юридик хизматлар;

аудиторлик хизматлари;

бухгалтерия хизматлари;

консалтинг хизматлари;

инфратузилмани ва Марказнинг субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир хизматлар;

ушбу Конституциявий Қонунда ва Марказнинг қарорларида назарда тутилган бошқа хизматлар.

Аккредитация қилинган ҳамкорларни ёрдамчи хизматлар кўрсатишга жалб этиш тартиби ҳамда бундай хизматларга нисбатан қўйиладиган талаблар Марказнинг қарорлари билан белгиланади.

70-модда. Марказ ҳудудида кўрсатиладиган хизматлар бўйича шикоятларни кўриб чиқиш

Давлат органлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ шикоятлар (низолар) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан кўриб чиқилади.

Марказнинг органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар, ёрдамчи хизматлар, шунингдек Марказнинг қарорлари билан тартибга солинадиган бошқа хизматлар билан боғлиқ шикоятлар (низолар) фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни билан белгиланадиган ҳолда Тошкент халқаро тижорат суди томонидан ўз юрисдикцияси доирасида кўриб чиқилади.

14-боб. Меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш

71-модда. Меҳнатга оид муносабатлар

Марказ ҳудудида меҳнатга оид муносабатлар ушбу Конституциявий Қонун ва Марказнинг қарорлари билан тартибга солинади.

Марказнинг меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи қарорлари биринчи навбатда қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши лозим:

хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга ва тенг имкониятларни кафолатлашга;

камситишга йўл қўйилмаслигига;

ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва уларга меҳнати учун адолатли ҳақ тўлашга;

меҳнатни ташкил этишда мослашувчанликни таъминлашга;

меҳнатга оид муносабатларни ортиқча тартибга солишдан ҳоли қилишга.

Марказнинг органлари ва иштирокчилари меҳнат шартномаларига ёки бошқа ички норматив ҳужжатларга мувофиқ ходимлар учун Марказнинг қарорларида назарда тутилганидан қулайроқ шартларни киритишга ҳақли.

Агар Марказнинг қарорларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг меҳнатга оид муносабатлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари Марказнинг органларига, иштирокчиларига ва уларнинг ходимларига нисбатан юзага келадиган муносабатларга татбиқ этилмайди.

72-модда. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича минимал талаблар

Марказ ҳудудида мажбурий меҳнат, болалар меҳнати, шунингдек эксплуатация қилишнинг ҳар қандай шакллари ва одам савдосидан фойдаланиш қатъиян тақиқланади. Марказнинг органлари ва иштирокчилари инсоннинг фундаментал ҳуқукларига, меҳнат соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларининг қоидаларига риоя этилишини таъминлаши шарт. Ходимнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътикоди, ижтимоий келиб

чиқиши, ижтимоий мавкеи билан боғлик ҳолда, шунингдек унинг ишчанлик фазилатлари ва меҳнати натижалари билан боғлик бўлмаган бошқа ҳолатларга кўра ҳар қандай шаклдаги камситишга (дискриминацияга) йўл қўйилмайди. Марказнинг иштирокчилари инклюзив иш муҳитини яратганлик ва корпоратив ижтимоий масъулиятнинг энг яхши халқаро амалиётини жорий этганлик учун рағбатлантирилади.

Марказ ҳудудидаги меҳнатга оид муносабатлар шартномавий тартибга солиш ва шартнома эркинлиги принципларига асосланади. Меҳнат шартлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, иш вақти ва дам олиш вақти иш берувчи ва ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномасида белгиланади.

Ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари Марказнинг маъмурияти томонидан ушбу Конституциявий Қонун ва Марказнинг қарорлари билан белгиланган тартибда ҳимоя қилинади.

Жамоа шартномаларини тузиш, шунингдек Марказ ҳудудида ходимларнинг бирлашмаларини ва профессионал (касаба) уюшмаларини ташкил этиш Марказнинг қарорлари билан тартибга солинади. Ходимларнинг жамоат тартибини ёки Марказнинг фаолият юритиш шартларини бузишга олиб келадиган ҳар қандай жамоавий ҳаракатларига махсус ҳуқуқий режим барқарорлигини ва Марказ фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида йўл қўйилмайди.

73-модда. Меҳнатни ташкил этишда мослашувчанлик

Марказнинг органлари ва иштирокчилари меҳнатни ташкил этиш шартларини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда белгилаши мумкин:

ходимларни ишга қабул қилиш ва меҳнатга оид муносабатларни тугатиш (меҳнат шартномаларини бекор қилиш) бўйича махсус шартлар ва тартиб, шу жумладан мослашувчан иш жадвали ва иш режими, иш вақтининг қисқартирилган ёки узайтирилган давомийлиги, масофадан туриб ишлаш шакли ҳамда бошқа иш шакллари, шунингдек меҳнат таътилини ва бошқа таътилларни тақдим этиш тартиби;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг мукобил тизимлари, шу жумладан соатбай, ишбай, бонусли ва (ёки) аралаш тизимлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шартлар Марказнинг қарорларида белгиланган, камситишга йўл қўймасликка, меҳнат учун хавфсиз шарт-шароитларни таъминлашга ва ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган талабларга риоя этилган тақдирда қўлланилади.

15-боб. Илмий тараққиёт эркинлиги

74-модда. Сунъий интеллект

Марказ ҳудудида сунъий интеллект технологияларини яратиш, синовдан ўтказиш ва жорий этиш соҳасида фаолият юритиш ҳамда тадқиқотлар ўтказиш эркинлиги таъминланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган фаолиятга бевосита ёки билвосита тўскинлик қиладиган нормалар, чекловлар ёхуд бошқа чоралар белгиланишига йўл қўйилмайди, бундан қуйидагилар билан боғлиқ ҳоллар мустасно:

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига бўлган таҳдидларнинг олдини олиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этиш.

75-модда. Сунъий интеллект соҳасидаги халқаро илмий ва технологик ҳамкорлик

Марказ ҳудудида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш, синовдан ўтказиш ҳамда халқаро илмий ва технологик ҳамкорлик эркинлиги, шу жумладан чет эл жисмоний ва юридик шахсларининг, илмий ташкилотларининг, таълим ташкилотларининг ва технологик компанияларнинг иштирок этиши таъминланади.

Марказ фаолияти доирасида яратилган қўшма тадқиқотлар ва ишланмаларнинг натижалари ушбу Конституциявий Қонунда, Марказнинг қарорларида ва тарафларнинг келишувларида белгиланган ҳамда қўлланиладиган ҳуқуққа мувофиқ ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши керак.

76-модда. Таълим соҳасидаги махсус ҳуқуқий режим

Марказ ҳудудида юқори технологияли таълим муҳитини ва маданий муҳитни яратишга қаратилган таълим соҳасидаги махсус ҳуқуқий режим ўрнатилади.

Махсус ҳуқуқий режим доирасида Марказ ҳудудидаги таълимга оид фаолиятни Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартларига мажбурий равишда мослаштирмаган ҳолда, етакчи хорижий таълим ташкилотларининг ўқув дастурлари ва стандартлари асосида амалга оширишга рухсат берилади. Таълим дастурларининг мазмуни, ўқув режаларига нисбатан қўйиладиган талаблар ва билимларни баҳолаш усуллари Марказ органлари томонидан Марказнинг тегишли қарорларини қабул қилиш орқали мустақил равишда белгиланади. Мазкур ўқув дастурлари ва ҳужжатлар устувор кучга эга бўлиб, уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра таълим соҳасидаги ваколатли давлат органлари билан мажбурий тартибда келишилиши талаб этилмайди.

Таълимга оид фаолият, шу жумладан янги таълим ташкилотлари, академиялар, илмий институтлар ёки таълим майдончалари, шунингдек янги университетлар, хорижий университетларнинг филиаллари, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, ўқув марказлари Бошқарув кенгаши билан келишилган ҳолда, Марказ маъмурияти томонидан бериладиган ихтисослаштирилган лицензиялар асосида ташкил этилади. Бундай лицензияларни бериш тартиби ва лицензиялаш мезонлари Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Марказнинг алоҳида қарори билан белгиланади.

Бунда Марказнинг қарорида таълим дастурларининг мазмунига нисбатан давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи ғояларни тарғиб қилишнинг олди олинишни назарда тутувчи мезонлар ва талаблар белгиланади.

Марказ ҳудудида таълим ташкилотини ташкил этиш учун зарур инфратузилма мавжуд бўлмаган ҳолларда, ушбу Конституциявий Қонуннинг қоидаларига мувофиқ бундай муассасани Марказ ҳудудидан ташқарида ташкил этишга йўл қўйилади. Бундай таълим ташкилотларининг ҳудуди Марказнинг ишлаб чиқариш ҳудуди деб эътироф этилади ва унга нисбатан ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган махсус ҳуқуқий режим тўлиқ ҳажмда татбиқ этилади.

Таълим соҳасидаги махсус ҳуқуқий режим татбиқ этилган таълим ташкилотларида Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунчилиги ушбу Конституциявий Қонунга ва Марказнинг қарорларига зид бўлмаган қисми бўйича қўлланилади.

IV БЎЛИМ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

16-боб. Жавобгарлик чоралари ва низоларни ҳал этиш

77-модда. Марказнинг субъектлари иштирокидаги низоларни кўриб чиқиш

Марказнинг махсус ҳуқуқий режими доирасида юзага келадиган низолар «Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига мувофиқ ташкил этилган Тошкент халқаро тижорат суди томонидан кўриб чиқилади.

Тошкент халқаро тижорат суди Марказга нисбатан қуйидаги тоифадаги низолар бўйича юрисдикцияга эга:

Марказ субъектлари ўртасида юзага келадиган фуқаролик, иқтисодий, корпоратив ва меҳнатга оид низолар;

Марказ ҳудудида амалга оширилаётган фаолият, Марказнинг махсус қонунчилигига мувофиқ тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлар ёки Марказ ҳудудида жойлашган мол-мулк билан боғлиқ низолар;

Марказ иштирокчиларининг тўловга қобилиятсизлиги, банкротлиги, қайта ташкил этилиши ҳамда мажбуриятларни реструктуризация қилиш билан боғлиқ ишлар;

тарафларнинг келишувига кўра Тошкент халқаро тижорат суди юрисдикциясига киритилган низолар;

халқаро арбитраж билан боғлиқ ишлар, шу жумладан ҳакамларни тайинлаш, четлатиш, вақтинчалик таъминлаш чораларини қўллаш, арбитраж қарорларини бекор қилиш, тан олиш ва ижро этиш, шунингдек Марказнинг махсус қонунчилигида назарда тутилган бошқа ваколатлар;

Марказ органларининг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги юзасидан келиб чиқадиган низолар, шу жумладан лицензиялаш, рўйхатдан ўтказиш, назорат қилиш, интизомий чоралар ва бошқа тартибга солиш чоралари билан боғлиқ ишлар;

Марказнинг махсус қонунчилигидан келиб чиқадиган бошқа низолар;

ушбу Конституциявий Қонун, Марказнинг махсус қонунчилиги ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилиги билан Тошкент халқаро тижорат судининг ваколатлари жумласига киритилган бошқа ишлар.

Тошкент халқаро тижорат суди ушбу Конституциявий Қонунни, Марказнинг махсус қонунчилигини қўллайди ва талқин қилади.

Марказнинг махсус қонунчилигидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишда Тошкент халқаро тижорат суди ушбу қонунчиликни мустақил равишда талқин қилади ва қўллайди ҳамда Марказнинг махсус ҳуқуқий режими мақсадлари ва принципларини ҳисобга олади.

Тошкент халқаро тижорат суди томонидан қабул қилинган қарорлар «Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунида белгиланган тартибда ижро этилади.

78-модда. Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ушбу Конституциявий Қонунга ва Марказнинг қарорларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Махсус ҳуқуқий режим доирасида янги маҳсулотларни ва ечимларни синовдан ўтказишда ёки тажриба-синовдан ўтказишда инсоннинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига зарар етказилишига йўл қўйилмайди.

Марказнинг қарорларида назарда тутилган жавобгарлик чораларини қўллаш тартиби ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқ Бошқарув кенгашининг қарорлари билан белгиланади.

Ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган жавобгарлик чораларини қўллаш асослари, шартлари ва тартиби Бошқарув кенгашининг қарорлари билан белгиланади.

Ушбу Конституциявий Қонуннинг 6 ва 7-моддаларида назарда тутилган ҳолларда жавобгарлик чоралари Марказнинг маъмурияти томонидан қўлланилади.

Бошқа ҳолларда, молия ва банк ташкилотларига нисбатан жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра Марказнинг маъмурияти томонидан мазкур соҳадаги ваколатли давлат орган билан биргаликда ўз ваколатлари доирасида қўлланилади.

Жавобгарлик чоралари, агар ушбу Конституциявий Қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Марказнинг маъмурияти томонидан қўлланилади.

Ушбу бобда назарда тутилган жавобгарлик чоралари фақат Бошқарув кенгашининг қарорларини ва махсус ҳуқуқий режим талабларини бузганлик учун, шунингдек ушбу Конституциявий Қонуннинг 6 ва 7-моддаларида назарда тутилган ҳолларда қўлланилади.

79-модда. Жавобгарлик чоралари

Марказнинг маъмурияти Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган шахсга нисбатан қуйидаги жавобгарлик чораларини қўллашга ҳақли:

ёзма огоҳлантириш;

муайян ҳаракатларни амалга ошириш ҳақида ёки муайян ҳаракатларни амалга оширишдан тийилиш тўғрисида кўрсатма бериш;

ҳуқуқбузарликни ва унинг оқибатларини бартараф этиш, шу жумладан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ёки ҳуқуқбузарликдан олдинги ҳолатни тиклаш бўйича чоралар кўриш мажбуриятини юклатиш;

ҳуқуқбузарлик натижасида олинган фойдани қайтариш;

молиявий санкциялар;

айрим фаолият турларини ёки операцияларни амалга оширишни вақтинча чеклаш;

ҳуқуқбузарликнинг ёки унинг оқибатларининг олдини олиш ёхуд уларни бартараф этиш учун зарур бўлган шошилинч ҳимоя чораларини қўллаш;

Марказнинг махсус ҳуқуқий режимида назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиш ҳуқукини вактинча тўхтатиб туриш ёки бекор килиш;

Марказ иштирокчисининг мақомини тўхтатиб туриш ёки тугатиш.

Ушбу моддада назарда тутилган жавобгарлик чоралари Бошқарув кенгашининг қарорларида белгиланган ҳолларда молиявий санкцияларга қўшимча равишда ёки уларнинг ўрнига қўлланилиши мумкин.

Жавобгарлик чораларининг қўлланилиши ҳуқуқбузарни ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этиш ва етказилган зарарнинг ўрнини қўлланиладиган ҳуқукда белгиланган тартибда коплаш мажбуриятидан озод этмайди.

Жавобгарлик чорасини, унинг муддатини, миқдорини ва жавобгарлик чораларини қўллаш кетма-кетлигини танлашда Марказнинг маъмурияти қоидабузарликнинг хусусияти ва оқибатларини, айбдорлик даражасини (мавжуд бўлганда), шунингдек қўлланилаётган жавобгарлик чорасининг йўл қўйилган қоидабузарликка мутаносиблигини ҳисобга олиши шарт.

Қоидабузарликларни аниқлаш, материалларни кўриб чиқиш, қарорлар қабул қилиш, шикоят қилиш ва жавобгарлик чораларининг ижросини таъминлаш тартиби ушбу Конституциявий Қонун доирасида Марказнинг қарорлари билан белгиланади.

17-боб. Ушбу Конституциявий Қонунни амалга киритиш

80-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

81-модда. Қонунчиликни ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Конституциявий Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

82-модда. Ушбу Конституциявий Қонунни ва Марказнинг қарорларини қўллаш бўйича ўтиш қоидалари

Марказнинг ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган қарорлари ушбу Конституциявий Қонун кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида унинг органлари томонидан ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим.

Марказнинг қарорлари қабул қилингунига қадар Марказ ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ушбу Конституциявий Қонунга зид келмаган қисми бўйича қўлланилиши мумкин.

83-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини мониторинг қилиш

Ушбу Конституциявий Қонуннинг ижроси ҳамда махсус ҳуқуқий режимнинг қўлланилиши ва самарадорлиги:

Бошқарув кенгаши томонидан ҳар йили камида бир маротаба;

Марказ маъмуриятининг Кузатув кенгаши томонидан доимий равишда мониторинг қилиб борилади.

84-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Конституциявий Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 19 август
№ ЎРҚ–1169